

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

РИХСИЕВА КАМОЛА ГАФУРОВНА

**“ҚАП=” АСОСЛИ БИРЛИКЛАР ГЕНЕЗИСИ ВА СЕМАНТИК
ТАРАҚҚИЁТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Рихсиева Камола Гафуровна

“Қап=” асосли бирликлар генезиси ва семантик тараққиёти.....3

Rixsieva Kamola Gafurovna

Genesis and semantic development of units with the basis “qap=”26

Рихсиева Камола Гафуровна

Генезис и семантическое развитие единиц с основой “кап=”46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of pulished works51

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

РИХСИЕВА КАМОЛА ГАФУРОВНА

**“ҚАП=” АСОСЛИ БИРЛИКЛАР ГЕНЕЗИСИ ВА СЕМАНТИК
ТАРАҚҚИЁТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Fil2180 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsull.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Холманова Зулҳумор Турдиевна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Аширбоев Самихон филология фанлари доктори, профессор Убайдуллаев Алишер Абдусаломович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “30” “11” соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz); e-mail: monitoring@www.tsuull.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишнинг мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “15” - ноябр куни тарқатилди.

(2022 йил “15” - ноябр даги 1 - рақамли реестр баённомаси).

 И.И.Адилова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филология фанлари
доктори, профессор

 Қ.Нардашев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филология
фанлари доктори, доцент

 И.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филология фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лингвистик сатҳлар семантикаси, ўзак морфемалар тараққиёти, янги лексемаларнинг шаклланишидаги асос мақоми, турли структурадаги лексемаларнинг семантик алоқадорлигини тадқиқ этиш амалий аҳамият касб этмоқда. Лексема структурасидаги ўзгаришлар, семантик жараёнлар нарса-ҳодиса, объектив борлиқ, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатнинг лисоний онгдаги ифодаси, идрок даражаси, маданий баҳоси тарихий тараққиёт давомида динамик тарзда ривожланиб боришини кўрсатади. Лексемалар асосини ташкил қилувчи морфемалардаги структурал ўхшашлик ёки бир хиллик мазкур бирликлар ўртасидаги семантик алоқадорликни намоён этади.

Дунё тилшунослигида лексемаларнинг структурал тараққиёти тилларнинг морфологик хусусиятлари, типологик белгиларига алоқадорликда фонетик, морфологик, грамматик аспектларда тадқиқ қилинган. Бир асосдан шаклланган лексемаларнинг тарихий илдизлари аниқланган. Тарихий умумасосли лексемалар семантикасидаги ўзгаришлар лисоний онг, тафаккур даражаси, идрок нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Семантика дунё тилшунослигидаги замонавий йўналиш сифатида тараққий этар экан, лексемалар ўртасидаги алоқадорлик асосида семантик тўрларни ажратиш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

“Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дард-у армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир. Яқинда мамлакатимиз “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши”га аъзо бўлди. Бу ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақоimini юксалтиришга хизмат қилади”¹. “Қап” асосли бирликлар генезиси ва семантикасини тадқиқ этиш орқали ўзбек тилидаги бир қанча сўзларнинг этимологияси ёритилади, уларнинг умумтуркий асослари аниқланади ва струкутур-семантик тараққиёт хусусиятлари таҳлил қилинади. Мазкур тадқиқот натижалари туркий тиллар лексикасидаги этимологик тадқиқотлар учун илмий материал сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини

¹ Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросим”да сўзлаган нутқи // Xalq so'zi, №86. 2019- yil 21- oktabr. – Toshkent, 2019. – B. 1-2.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Назарий манбаларда семантика тараққиёти XX асрдан кейинги даврларга хослиги таъкидланса-да, бу йўналишдаги изланишларнинг қадим асосга эга эканлигини кузатиш мумкин. Лингвистик бирликлар маъносини тадқиқ этиш бундан бир неча юз йиллар олдин ҳам Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Хитой тилшунослигида эр.авв. V-III асрларда, Қадимги Юнонистонда ва ундан кейин ўрта аср Европа анъаналарида, сўнгра эса Уйғониш даври грамматикачилари ва файласуфлари томонидан тадқиқ қилинган². Эски ўзбек тили даврида сўз семантикасини ёритишга қаратилган луғатлар ҳам семантиканинг миллий асослари мавжудлигини кўрсатади. Ўзбек тилшунослигида лингвистик семантика масалалари И.Қўчқортоев ва Ш.Раҳматуллаев³ каби олимларнинг изланишларида ўз аксини топган. И.Қўчқортоев семантика ва унинг масалалари, лексик маъно ва унинг моҳияти, структураси, сўз маъноси ва унинг валентлигини биринчилардан бўлиб илмий асосда ёритган⁴. Ш.Сафаров семантиканинг тилшунослидаги тараққиёти назарий асосларини тавсифлаб берди⁵. М.Миртожиев ўзбек семасиологияси асосини яратиб, луғавий сатҳ семантикасининг назарий асосларини шакллантирди⁶.

Қайд қилинган манбаларда семасиология, семантика соҳаларининг назарий асослари ёритилган. Ўзакдош сўзлар диахрон аспектда тадқиқ этилиб, тарихий сўз ясалиши таҳлил қилинган, лексема маъносидаги ўзгаришлар тадқиқ қилинган бўлса-да, “қап” асосли бирликлар семантикаси монографик планда тадқиқ этилмаган.

² Жеребило Т.В. Лингвосемантическая парадигма в соотношении с лингвостилистикой // *Lingua-universum*. – 2006. – № 3. – С. 17-21.

³ Раҳматуллаев Ш. Семема–мустақил тил бирлиги//ЎТА, 1984. №5. – Б.18; Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш ҳақида//ЎТА, 1974. № 1; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1992. –Б.173-147.

⁴ Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.21-24.

⁵ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 14-15

⁶ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010. – Б. 5.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “қап=” асосли луғавий бирликлар генезисини ёритиш, семантик тараққиёт хусусиятларини асослаш, ўзаро алоқадор семантик узвларни аниқлаш, “қап=” асосли луғавий бирликларнинг барқарор бирикмалар таркибидаги когнитив-семантик функциясини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“қап=” асосли бирликлар генезиси ва семантикасига оид тадқиқотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

“қап=” асосли бирликларнинг лингвостатистик, тарихий-этимологик таҳлилини амалга ошириш;

“қап=” асосидаги, “қап=” асосли луғавий бирликлар ўртасидаги интеграл семаларни аниқлаш;

“қап=” асосли луғавий бирликлар тараққиётига хос хусусиятларни кўрсатиб бериш;

“қап=” асосли бирликларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги қўлланиш даражасини аниқлаш;

“қап” асосли бирликларнинг рус тилига ўзлашиш омилларини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объектини қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек адабий тили манбаларида, луғатларида, ўзбек⁷ ва рус тилларидаги луғатларда⁸, фразеологизмлар луғатида⁹, мақоллар луғатида¹⁰ қайд этилган “қап=” ва “қап=” асосли лингвистик бирликлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини “қап=” ва “қап=” асосли луғавий бирликларнинг семантик тараққиёти, семалар таркиби, қап= ва “қап=” асосли луғавий бирликларнинг барқарор бирикмалар таркибидаги семантик хусусиятлари, рус тилига ўзлашган қап асосли бирликлар семантикаси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда диахрон, синхрон, индукция, дедукция, структур-грамматик компонент таҳлил, концептуал, лингвостатистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳозирги ўзбек тилидаги қа= асосли фаол қўлланадиган 57дан ортиқ, тарихий лексемалар ва сўз шакллари ҳамда рус тилига ўзлашган лексемалар билан бирга 122та, барқарор бирикмаларни ҳам ҳисоблаганда 179та лингвистик бирлик жамланиб, уларнинг маънолари тарихий-этимологик,

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 – 2008.

⁸ Шипова Е.Н. Словарь тюркизов в русском языке. – Алма-Ата: Наука, 1976. – С 29

⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998, –Б. 514.

¹⁰ Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: проф. Т.Мирзаев, А.Мусақулов, Б.Саримсоков. – Тошкент, 2019. –Б. 512.

лингвостатистик жиҳатдан илк бор монографик планда текширилган ҳамда бу лексемаларнинг генезиси аниқланган;

“қап=” асосли от лексемаларнинг ҳаракат-ҳолат семали луғавий бирликлардан шаклланиш хусусиятларини аниқланган қадимги туркий манбалардаги 3 та тарихий: қа –I идиш, қоп; қа –II юқориламоқ, кўтарилмоқ; қа –III маҳкам ушламоқ, тутмоқ семалари аниқланиб, уларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги қап= асосли бирликларга муносабати далилланган;

“қап=” асосли лексемалар семантикасидаги ўзгаришлар аниқланиб, уларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги функционал-семантик хусусиятлари ҳамда “қап=” асосли лексемалар ўртасидаги “ичи бўшлиқ”, “беркитиш”, “ўраш”, “қамраш”, “қоплаш” семантик узвлари ва бу узвларни юзага келтирувчи омиллар аниқланиб, “қап=” асосли лексемаларнинг генезисини аниқлашда илк бор семантик тўр методидан фойдаланишнинг самараси исботланган; “қап=” асосли лексемалар иштирок этган фраземалар, ўзбек халқ мақол ва маталлари тўпланиб, уларнинг таркибидаги “қап=” асосли бирликларнинг когнитив-семантик, функционал-услубий хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“қап” асосли юздан ортиқ бирликлар аниқланган, улар ўртасидаги семантик алоқадорлик очиб берилган;

“қап” асосли бирликларнинг фарземаларни шакллантиришдаги ўрни кўрсатиб берилган;

“қап” асосли бирликлар таркибидаги семалар аниқланган;

“қап” асосли лексемалар семантикасидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган;

“қап” асосли бирликлар ўртасидаги семантик тўр белгиланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги “қап” асосли бирликлар этимологияси қадимги туркий тилдаги энг ишончли манбалардан олингани, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, методик жиҳатдан тизимли равишда ёндашилгани, қўйилган муаммонинг аниқ ва етарлича далиллангани, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида илмий-назарий асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туркий-ўзбек тилининг этимологик жараёнларини ўрганишда, бу борадаги мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этишда қўлланилиши, илмий материаллар Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг лисоний, этник ва маданий тарихи бўйича илмий ишлар, ўқув қўлланмалари ёзишда, махсус курслар ва маърузалар тузишда қўлланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек тили тарихи, туркий тиллар қиёсий-тарихий грамматикаси, ўзбек терминологияси, лексикографияси бўйича дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, магистрлик, докторлик диссертацияларини тайёрлашда, махсус курсларни ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Қап” асосли бирликларнинг семантик таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Диссертациядаги бир асосли лексик бирликлар семантикасидаги семалар асосида алоқадорлик намоён бўлиши, “қап” асосли бирликлар семантикасида тилнинг тўплаш вазифаси билан боғлиқ белгиларнинг ифодаланишига оид илмий-назарий хулосалардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган А-ОТ-2019-10 рақамли “Ўзбек тилида нейминг: меъёрий-ҳукукий асосларини яратиш”- (2019-2022) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 10 сентябрдаги 01/4-2502/1-сонли маълумотномаси). Натижада номларнинг ҳаракат-ҳолат семали луғавий бирликлардан шаклланиш хусусиятларини аниқлашда, онимларнинг лексема сифатидаги семалар мундарижасини аниқлашда назарий манба вазифасини ўтаган;

ўзбек тилшунослигида қадимий йўналиш ҳисобланган, замон талаблари асосида қайта такомиллашган семантика, унинг вужудга келиш анъаналари, пайдо бўлиш омиллари, лексема семантикасидаги ўзгаришлар ҳақидаги назарий хулосалардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган ПЗ-20170927147 рақамли “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 7 майдаги 04/1-879 сон маълумотномаси). Натижада кўп минг йиллик ўзбек тили луғат бойлигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларидаги семантик алоқадор лексемаларнинг семантик жараёнларга таъсири, аҳамиятини асослашга хизмат қилган;

лексема, семема, сема тушунчалари, нарс-ҳодиса, ҳаракат-ҳолат, белги-хусусиятни ифодалашда лисоний онгдаги алоқадорлик, оламни англаш, идрок этишдаги умумийликлар, лексема структур-грамматикасидаги ўзгаришлар, семантик кенгайиш, торайиш ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Ҳамма учун” кўрсатуви сценарийсини ёзишда фойдаланилган (ЎзМТРК “Ўзбекистон телерадиоканали” ДУКнинг 2022 йил 27 июлдаги 06-28-646-сон маълумотномаси). Натижада, дастур учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий мақола чоп этирилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 7 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, ҳажми 150 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I бобида “Семантиканинг лингвистик соҳа сифатидаги тараққиёти” ёритилган. Бобнинг биринчи параграфида “*Семантика тавсифи ва лексик семантикага оид тадқиқотлар*” тавсифланган. Семантиканинг илдизлари қадимги даврлар фалсафаси негизига бориб тақалади¹¹. Семантика ва унинг масалалари доирасида марказий ўринни тилнинг луғавий бирлиги эгаллайди¹². Семантика ва унинг масаласини белгилаш, сўзларнинг семантик структурасини баҳолашда лисоний ва нолисоний омилларга таяниш керак бўлади.

Семантик тараққиётда семантик майдон, валентлик, миллий хусусиятлар масаласи ҳам алоҳида ўрин тутиши тадқиқотларда таъкидланган. Семантикага доир изланишларнинг аксарияти тил луғавий бирликларининг мазмуний алоқадорлигига асосланган семантик майдон таҳлилига бағишланган тадқиқотлардир. Бобда Й.Трир¹³, Л. Вайсгербер¹⁴, Г.Шчур¹⁵ каби олимларнинг семантик майдон назариясига доир тадқиқотлари таҳлил қилинган. В. Звезинцев¹⁶, И. Толстой¹⁷, Д. Шмелев¹⁸, рус тилшунослигидаги О.Селиверстова¹⁹, Л.Васильев²⁰, В.Ибрагимова²¹, Л.Новиков²², И.Кобозева²³ тадқиқотларининг мазмуни ёритилган.

¹¹Жеребило Т.В. Лингвосемантическая парадигма в соотношении с лингвостилистикой // Lingua-universum. – 2006. – № 3. – С. 17-21

¹² Бу ҳақида қаранг: Золотарёва Т.А. Семантические особенности английских абстрактных существительных, влияющие употребление артикля: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 10.

¹³ Қаранг.: Trier J. Der deutsch Wortschats im Sinnbezirk des Verstandes. – Heidelberg. 1931; Die Wortc des Wissens // Mitteilungen des Universitätsbundes. – Marburg. 1931; Sprachliche Felder // Zeitschrift fur deutsche Bildung. - 1932. Bd. 8. Hf. 9. –P.417-425; Deutsche Bedcutungsforschung. – Germansche Philologie: Ergebnissc und Aufgaben. Festschrift fiir Obegahel. – Heidelberg. 1934. – P. 173-200.

¹⁴ Weisgerber L. Worn Weltbilder der deutschen Sprachc. – Dusseldorf. 1950.

¹⁵ Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. – Москва: Наука. 1974.

¹⁶ Ўша асар. –Б. 125

¹⁷Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии // Славянское языкознание. – М.: Наука. 1968. – С. 339-365; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Москва, 1965. – С. 15; Найда Ю.Н. Наукaпeрeвoдa // ВЯ, 1970. – №4. – С. 9.

¹⁸ Шмелев Д.Н. Очерки по русской семасиологии. – Москва, 1964.

¹⁹ Селиверстова О.Н. Компонентный анализ многозначных слов. – Москва: Наука, 1975.

²⁰ Васильев Л.М. Семантика русского глагола. – Москва: Bill, 1981.

²¹ Ибрагимова В.Л. Семантика русского глагола. – Уфа: Изд. БУ, 1988.

²² Новиков Л.А. Семантика русского языка. – Москва, 1982.

Ўзбек тилшунослигида лингвистик семантика масалалари И.Қўчқортоев ва Ш.Раҳматуллаев²⁴ каби олимларнинг изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, И.Қўчқортоев семантика ва унинг масалалари, лексик маъно ва унинг моҳияти, структураси, сўз маъноси ва унинг валентлигини биринчилардан бўлиб илмий асосда ёритган²⁵. Ш. Раҳматуллаев лексик маънонинг идеографик, туркумлик, ижобий ёки салбий баҳо семаси мажмуидан ташкил топишини таъкидлаган²⁶. Ш. Сафаров семантикани алоҳида соҳа сифатида тавсифлади²⁷. Лисоний бирликларнинг шакл ва мазмун томони ўртасидаги муносабатларни А. Нурмонов синтактик сатҳ материаллари асосида ўрганди²⁸. М.Миртожиев ўзбек тили семасиологиясининг назарий асосларини таҳлил қилди²⁹.

Ўзбек тилшунослигидаги семантик майдон таҳлили борасида амалга оширилган дастлабки ишлар қаторида Д.Бозорова, И.Абдурахмонов, Р.Юнусов, Т.Мусаевнинг номзодлик диссертациялари; И.Қўчқортоевнинг нутқ феълларига бағишланган докторлик диссертациясини кўрсатиш мумкин.

Сўз семантик майдонларини лингвистик-семантик асосда ўрганиш ўтган асрнинг 90-йилларидан ўзбек тилшунослигига кенг кўламда кириб кела бошлади. Бунда Р.Расулов³⁰, Ш.Искандарова³¹, Н.Нишоновна³², С.Муҳамедова³³, Ҳ.Тоғиматов³⁴ каби олимларнинг тадқиқотлари ўзига хос ўринга эга. Семантиканинг тарихий илдизлари фалсафа, мантиқ билан туташган бўлса, бугунги ютуқлари ахборот технологиялари ва компьютер соҳаларига боғланади. Компьютер лингвистикасида қўлланаётган сентимент таҳлил, семантик тўр методлари, тезаурус луғатлар бевосита семантик таҳлилларга таянади.

Бобнинг иккинчи параграфида *“Рус тилига ўзлашган “қан=” асосли лексемалар семантикасида оид тадқиқотлар ва манбалар”* ҳақида сўз юритилган. Ўзбек тилининг қадимги туркий тил даври луғат таркибидаги сўзлар туркий халқларнинг қадим маданияти, урф-одатлари, яшаш тарзи,

²³Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. – Москва: Эдиториал УСС, 2000. – С. 8-10.

²⁴ Раҳматуллаев Ш. Семема– мустақил тил бирлиги//ЎТА, 1984. №5. –Б.18; Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш ҳақида//ЎТА, 1974. № 1; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1992. –Б.173-147р.

²⁵ Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.21-24.

²⁶ Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши.2-нашри. – Тошкент, 2008. –Б.4.

²⁷Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 14-15

²⁸ Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. –Тошкент, 1988; шу муаллиф. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент, 1991; шу муаллиф. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). –Тошкент, 2001.

²⁹Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз. 2013. –Б.20-25

³⁰ Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентности. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. . – Ташкент. 1989.

³¹Искандарова И.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1999.

³² Нишоновна Н.Р. Ўзбек тилида “хайвон” архисемали семемалар майдонининг мазмуний таҳлили. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2000.

³³ Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

³⁴ Тоғиматов Х. Сифат семемаларининг реаллашувида контекст. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. . – Тошкент, 2007.

машғулотлари, турмуш шароитини акс эттиради. Туркий тиллар лексикасига оид бир қатор луғавий бирликлар рус тили ва бошқа тилларга ўзлашгани ҳақида маълумотлар қайд этилган.

Рус тилига ўзлашган “қап=” асосли лексемалар ҳақидаги маълумот илмий манбаларда, луғатларда қайд этилган. Е. Шипова рус тилига қадимги туркий тилдан ўзлашган “ёпмоқ” ва “беркитмоқ” семаларини мужассамлаштирган “қап=” ва унинг асосида ясалган бир нечта сўзларнинг изоҳи ҳамда маъноларини келтиради³⁵. *Қап=* асосли 20дан ортиқ сўз рус тилига ўзлашган. Масалан, *кафтан* лексемаси рус тилига XIII–XIV асрларда ўзлашган. В.Радлов кафтанни “халат, плашга ўхшаш узун устки кийим”, деб таърифлайди. Шунингдек, *капчан* қалин устки кийим ҳамда бош кийими турини ҳам англатган³⁶. *Кафтан* рус тили орқали бошқа хорижий тилларга ҳам ўзлашган. Хусусан, бу лексема инглиз тилида ҳам мавжуд. В.Власичева инглиз тилида *caftan/kaftan* сўзи ишлатилган бадиий ва публицистик матнлардан 160 жумлани таҳлил қилиб, усмонийлар империяси ҳудудида кенг тарқалган эркаклар ва аёллар кийимини билдирганини қайд этган. Инглиз тилида *кафтан* лексемаси ифодалаган луғавий маъно таркибида “тиззадан пастда туриш” семаси мавжуд. Ҳозирги ўзбек ва рус тилларида эса, аксинча, “тиззадан юқорида туриш” семаси биринчи планга чиққан. *Кафтан*нинг инглиз тилидаги “қимматбаҳо аёллар либоси” маъноси ҳам сўзнинг кейинги истеъмол даврларида шаклланган. *Кафтан* лексемасида оддийгина “эркаклар ва аёллар уст кийими” маъносидан “тиззадан пастда турадиган кийим”, “қимматбаҳо аёллар кийими”, “тиззадан юқорида турадиган кийим” маъноларининг шаклланиши турли маданият вакиллариининг кийим кўринишини ўзгартириб, унга баҳо беришлари, лисоний онгда кейинги белгилари орқали қабул қилиниши билан изоҳланади³⁷.

Маҳмуд Кошғарий луғатида бу сўз *қафтан* шаклида келтирилган. Форсий тил орқали араб тилига *ҳафтан* шаклида ўтган. Украин тилидаги *каптан* ва беларус тилидаги *каптун//каптан* туркий бирликларнинг бошқа тилларда ҳам кенг ёйилганидан далолат беради. Бу сўз семантикасидаги “ёпиш”, “қамраш” семалари лексеманинг туркий *қап=* асосидан шаклланганини кўрсатади.³⁸

Каблук – оёқ кийимининг товон қисмига қўйилган махсус қоплама³⁹, *капкан* – ҳайвонларни, кичик жонзотларни овлашга мўлжалланган ускуна, *колтак* – конус шаклидаги ёки овалсимон бош кийими, *кубчир* – солиқ тури, *каптура*– иссиқ бош кийими, капюшон, бошлиқ, асоси шимолий туркий тиллардан ўзлашган “қоп” маъносини англатувчи сўз⁴⁰, *каторга* –*каптурга*

³⁵ Шипова Е.Н. Словарь тюркизов в русском языке. –Алма-Ата: Наука, 1976. –С 444.

³⁶ Шипова Е.Н. Указ.сог. –С 174.

³⁷ Власичева В.В. Тюркизмы в современном английском языке. Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 2, Языкозн. 2010. № 2

³⁸ Юналеева Р.А. Тюркизмы русского языка (проблемы полиаспектного исследования) Казань: Таглитат, 2000. – С. 172

³⁹ Баскаков Н.А. Русские фамилии тюркского происхождения. – Москва:Наука, 1979. – С. 109-110

⁴⁰ Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. Том 2. – Москва: Прогресс. 1986. – С. 212

шаклида чигатой тилида “катта чукур қоп” маъносини ифодалайдиган, телеут, олтой, татар, турк, крим, озарбайжон тилларида *каптыр* застегивать “боғламоқ” маъносида қўлланадиган сўз⁴¹ рус тилига ўзлашган туркий бирликлар сифатида қайд этилди.

Қап= асосли бирликлар рус халқ мақол ва иборалари таркибида ҳам учрайди: “*Прости, калпак, а шапка и так*” (калпак, шапка).

Рус тилига ўзлашган “қап=” асосли сўзларда фонетик ўзгаришлар, маъно кенгайиши, янги семаларнинг юзага келиши кузатилади.

II бобда “Қап=” асосли ҳаракат-ҳолат лексемалари генезиси, семантикаси ва лингвостатистик таҳлили” келтирилган. Бобнинг биринчи параграфида “Қап=” сўзи *этимологияси* ва “қап =” асосли бирликларнинг *лингвостатистик таҳлили*” берилган.

Тадқиқотларда туркий туб ўзакнинг фонетик тузилиши ва структур хусусиятлари таҳлил қилинган⁴². Н.А.Баскаков таъбирича, туркий тиллардаги ўзак морфема K+V+K фонетик таркибига эга⁴³. Ўзбек тили луғат таркибидаги *қап*=(*қоп*-) асоси ҳам, худди юқорида келтирилган моделларга мос тарзда, туркий ўзак ҳисобланади. *Қап*=(*қоп*-) асосидан ясалган лексемалар ҳам туркий асослардан туркий қатламга оид аффикслар қўшиш натижасида юзага келган луғавий бирликлар ҳисобланади. Сўзнинг асоси *қа*- шаклида ажратилган манбалар ҳам мавжуд⁴⁴; *қа*= “Девону луғоти турк”да мустақил сўз сифатида қайд этилган. Луғатда уч хил маънодаги *қа*= асоси қайд этилган: *қа* –I идиш, қоп; *қа* –II юқориламоқ, кўтарилмоқ; *қа* –III маҳкам ушламоқ, тутмоқ (ДЛТ, III, 114).

Туркий тиллар тарихий тараққиётида *қап* асоси икки йўналишдаги семантик жараёни ифода этади: ҳаракат йўналишидаги *қап*= ўзак морфемаси ва нарса-буюм, ашё маъносидаги *қап* ўзак морфемаси. *Қап*= ҳаракат маъноси ўзак морфеманинг *қа*= асоси хусусиятидан келиб чиқади. *Қап* асосли лексемалар ҳақида сўз борганда унинг ҳаракат-ҳолат билдирувчи *қа*= тарихий асосидан шаклланганини таъкидлаш жоиз.

Қап= ўзак морфема ҳозирги ўзбек тили нуктаи назаридан омоним асос саналади: *қап* =(ҳаракат) – *қап* (нарс-буюм). *Қап*= асосли бирликлар қадимги туркий тилдан бошлаб ҳозирги даврга қадар истемолда бўлиб келмоқда.

Қап= асосидан ясалган “эшик, дарвоза” маъносидаги “қапйғ” қадимги туркий тилда топоним сифатида келган: “*Tämir qapıǵqa tägi sülädimiz*” – “Темир дарвозагача қўшин тортидик”. (КТ)⁴⁵.

“Қутадғу билиг”да *қап*= асосли 9та луғавий бирлик учради:

Қарйу эшик. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида бу сўз бир неча ўринларда *қарйу* шаклида келган. Параграфда “эшик” маъносидаги *қарйу* сўзидан ясалган *қарйуҷи* “дарвозабон”, “эшик кўриқчиси”, *қар*=

⁴¹ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. – Санкт-Петербург, 1899. Том 2. Часть 1. – С 335

⁴² Миртожиев М. Туркий туб сўзлар тадқиқи. – Тошкент:Фан, 2017. – Б.402.

⁴³ Миртожиев М. Кўрсатилган манба. – Б.402.

⁴⁴ Нигматов Х.Г. О глагольных корнях типа *сгс* и *сг* по материалам словаря Махмуда Кашгарского//Советская тюркология//1974. – №3. – С. 39

⁴⁵ Abdushukurov B. Qadimgi turkiy til. – Toshkent, 2019. – В.58.

“тутмоқ”, *qarūš* “талон-тарож қилиш”, *qar* “қон-қариндош”, “яқинлар” лексемаларининг контекстуал маънолари изоҳланган.

«Девону луғотит турк»да *қан*= асосли 25 та сўз қайд этилган⁴⁶. Бу сўзлардан олтитаси ҳаракат-ҳолатни билдиради, 16 та сўз нарса-буюм, маҳсулот отини англатади: *қақа*–қоп, халта. Шундан олиниб, *қақақа* ҳам дейилади. Баъзан қисқартириб, *қаса* тарзида ҳам талаффуз қиладилар (ДЛТ, III, 127); *қова* – туркий юганларда бўладиган от бурнига тегиб турадиган қайиш (ДЛТ, III, 127); *қавуқ* – ҳар бир ичи бўш нарса. Бу сўзнинг *қовуқ* шакли ҳам бор (ДЛТ, III, 89); *қавуқ* – сийдик қопи. Бу сўзнинг *қавуқ* шакли ҳам бор (ДЛТ, III, 89); *қавуқ* – тарик қипиғи (ДЛТ, III, 89); *қар* –I меш, санач (ДЛТ, III, 80); *қар* –II ғилоф, жилд. Ҳар бир устки ўровга ҳам қап дейилади (ДЛТ, III, 80); *қар* –III она қорнида бола ўралиб турган парда, халта (ДЛТ, III, 80); *қариу* – эшик. Ол қапуғ япинди –у эшикни бир ўзи беркитди (ДЛТ, III, 45); *қабалқ* – қовоқ ўсадиган жой, қовоқзор (ДЛТ, I, 231); *қоғурмас* – қовурилган буғдой (ДЛТ, I, 227); *қарсиқ* – қопчик. Эгарнинг устига кийгизиладиган ёпуқ (ДЛТ, I, 221); *қарсақ* – сув (арик) тармоқларининг бир-бирига бирлашадиган, тўкнашадиган жойи. (ДЛТ, I, 219-бет); *қаруа* – қопқа, дарвоза (ДЛТ, I, 200-бет); *қабіқ* – “чопон қавиш” деб қайд этилган (ДЛТ, I, 193). Иккита сўз белги-хусусият билдиради: *қара* – ҳар бир баланд нарса. Қарау *oglog oq* – Пати баланд ўқ. (ДЛТ, III, 118); *қабіўліу* –бокира қиз; *қабіўліу қіз* – уйда ўтирган, куёвга чиқмаган қиз (ДЛТ, I, 228). Биттаси олмош туркумига мансуб: *қатиу* – ҳамма. *Sü qatüğ yülišdi*. Битта сўз равиш туркумига мансуб: *қар*– *ol menîñ bîrîla uyâ qar oldî* (ДЛТ, III, 80). Аҳмад Яссавий ҳикматларида *қаву* ишлатилган⁴⁷.

“Қисаси Рабғузӣ” асарида *қан*= асосли бир қатор лексемалар учрайди. *Қануз* сўзи 70 ўринда келган⁴⁸: *Қануздин* кирмадилар, меҳроб томиндин кирдилар (ҚР,29); қапуғ “тухум ичидаги парда” маъноси ифодаланган: «Юмurtқанинг ич *қопитек*, ичинда беш парда бор эрди, тошиндин кўринур эрди (ҚР,47). *Қанузчи* “дарвозабон” маъносидаги шахс оти қўлланган (ҚР,47). *Қовуш* сўзи 15 ўринда қўлланиб, “ёпилмоқ”, “иноят айламоқ, бермоқ”, “туташмоқ”, “бирга бўлмоқ”, “бирлашмоқ” маъноларини ифодалаган. “Жамлик”, “ҳамма”, “барча” маъносидаги *қамуз* 317 ўринда келган.

“Алишер Навоӣ асарлари луғати”да *қобқа* сўзи қўлланган бўлиб, “челакка ўхшаган идиш” маъносида қайд этилган⁴⁹. “Бобурнома”да “эшик”, “дарвоза” маъносидаги *қону* қўлланган: *Масал борким, “Қонудагини қопмаса, қаригунча қайгурур”*⁵⁰.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қап асосли 52та лексема қайд этилган: шахс, нарса-буюм, ҳодиса номлари – 30та: *қамал*, *қамоқ*, *қамров*, *қоп*, *қопи*, *қоплам*, *қоплама*, *қоплон*, *қопча*, *қопчик*, *қопқон*, *қопқоқ*, *қовуқ*,

⁴⁶ Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси. –Тошкент, 1963.

⁴⁷ Hoja Ahmad Yassaviy. Devoni hikmat (Yangi topilgan namunalar). – Toshkent: Movarounnahr, 2004. –Б. 67

⁴⁸ Носуриддин Бурхониддин Рабғузӣ. Қисаси Рабғузӣ. 2-китоб. –Тошкент: Ёзувчи. 1991. –Б. 28

⁴⁹ ANATIL, 58.

⁵⁰ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: – 2008. –Б. 122

қовоқ, қобиқ, қалпоқ каби. Ҳаракат-ҳолатни билдирувчи лексемалар – 18та: қабармоқ, қабарчимоқ, қаппаймоқ, қапишмоқ, қайишмоқ, қопламоқ, қопланмоқ, қопмоқ, қоптирмоқ, қопқоқламоқ каби. Белги-хусусият билдирувчи лексемалар – 4та: қовурма, қопағон, қопонғич, қопқоқли, олмош туркумига оид 1та – ҳамма. “Қап=” ва “қап=” асосли лексемалар таҳлили лексемалар структур-грамматик жиҳатдан ўзгаришга учраганини кўрсатади. Бу лексемаларда п→м, п→w фонетик ўзгаришлари кузатилади. Уларни семантик жиҳатдан фарқлаш мумкин.

Тарихий манбаларда “қап=” асосли сўзларда “қамраб олиш”, “ўраб олиш”, “ичи бўш”, “устки қатлам” семалари фаоллиги кузатилди.

Қадимги туркий тилда **qariy** “эшик”, **qatiy** – ҳамма, **qar** “ғилоф, жилд” лексемалари фаол қўлланган. Қадимги туркий тил давридаги **qaniq**, **qaniš**, **qar**, **qabīq** сўзлари ҳозирда айна шаклда ишлатилади.

Qatiy – ҳамма, **qarsa-**, **qata-**, **qarīlan**, **qariy**, **qabaqliq**, **qoyirmaš**, **qoršiq** сўзлари фонетик ўзгаришлар билан қўлланади. **qarīy** “эшик”, **qaša** “қоп, халта”, **qova** “туркий юганларда бўладиган от бурнига тегиб турадиган қайиш” сўзлари ҳозирги ўзбек шеваларида учрайди. **qarīy** “эшик”, **qarīyčī** “дарвозабон”, **qarīš** “талон-тарож қилиш” сўзлари ҳозирда қўлланмайди, истеъмолдан чиққан.

Ўзбек тилида қа= асосли 230га яқин бирлик мавжуд. “Қап=” ҳаракат-ҳолат асосли, ўзбек тилида фаол қўлланадиган 57дан ортиқ, тарихий лексемалар ва сўз шакллари ҳамда рус тилига ўзлашган лексемалар билан бирга 122та, барқарор бирикмаларни ҳам ҳисоблаганда 179та лингвистик бирлик таҳлилга тортилди. Таҳлилга тортилган материаллар диссертацияга илова қилинди.

Иккинчи параграфда “Қап=” асосли ҳаракат-ҳолат лексемаларининг тарихий-этимологик таҳлили” келтирилган. Ҳаракат билдирувчи қап= асосли қавармоқ, қавимоқ, қопламоқ, қовурмоқ, қовушмоқ, қайишмоқ каби лексемаларда “ёпмоқ”, “қопламоқ”, “қапишмоқ”, “тўпламоқ”, “йиғмоқ”, “бириктирмоқ” семалари акс этади.

“Қоп” асосида ясалган бирлик қопламоқдир. Қопламоқ сўзининг қуйидаги маънолари келтирилади: 1) “бирор нарсанинг устини ёки ҳамма ёғини қамрамоқ, буркамоқ, эгалламоқ, босиб олмоқ”: Кўк юзини булут қоплади. Хонани тутун қоплади. “Қопламоқ” тўлалигича қамраб олиш тушунчасини ифода этади. Уфқни қизғиш туманлик қоплаган. (Ў.Х. Икки эшик ораси). Ушбу мисолда қопламоқ осмоннинг бир чеккаси, уфқни қамраб олишни ифодалагандек туюлса-да, аслида “тўлиқ қамраб олиш” семасини англатади; “бирор нарсанинг сатҳини, юзасини, бетини эгалламоқ, банд қилмоқ” маъносида ҳам “тўлиқ қамраб олиш” семаси акс этади: Сув бетини муз қоплади; инсон кўринишининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини билдиради: Энди юзлари, пешона ва чаккалари кексалик ажинлари билан қопланибди; 2) сўз моддийликнинг “кўп миқдор” семасини ифода этади: У бир нафас сукут қилди. Йирик, лекин қизил, майда томирчалар билан қопланган хира кўзларини қисиб жавоб берди...Ойбек, Қутлуғ қон; мавҳум воқеликнинг “кўп миқдор”ини ифодалайди: Унинг бошини турли фикрлар,

режалар қоплади. Ойбек, Навоий; 3) юқоридаги мисолларда *қопламоқ* табиий жараённинг “тўлиқ қамраб олиши”ни ифода этган. Қуйидаги мисолда эса “тўлиқ қамраб олинган” сунъий воқеликка ишора қилмоқда: “предметнинг юзасини бошқа нарса билан ўрамоқ, юзасига бошқа нарса ёпиштирмоқ, тўшамоқ” – Ғадир-будур ғишт *қопланган* майдондан ўтиб борарканман, қоқилиб ўмбалоқ ошиб кетдим. (Ў.Х. Икки эшик ораси); 4) “талаб”, “эҳтиёжини қондирмоқ”, “етарли бўлмоқ” маъноларида қўлланади: Уларнинг топган пуллари рўзгор эҳтиёжини зўрға *қопларди* (С.А. Мавлоно Муқимий); 5) “йўқотилган ёки етишмайдиган нарсанинг ўрнини тўлдирмоқ”, “ўрнини босмоқ”: Зарарни қопламоқ. Қарзни қопламоқ. [ЎТИЛ, V, 334.]

Қап = асосли ҳаракат-ҳолат лексемаларида “қамраб олиш”, “бириктирмоқ”, “ёпиштирмоқ” семалари доминантлик қилади.

Бобнинг учинчи параграфида “*Қап* =” асосли ҳаракат-ҳолат лексемаси иштирокидаги барқарор бирикмаларнинг когнитив-семантик, функционал-услубий хусусиятлари” таҳлил қилинган.

Қап = асосидан шаклланган *қовуштирмоқ* ҳаракат-ҳолат лексемаси фраземалар таркибида келиб, турли функционал-услубий вазифаларни бажарган. “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати” да *қовуштирмоқ* семантик ядроси асосида шаклланган фраземалар келтирилган. **Қўл(ини) қовуштирмоқ** 1) қўлни, беш панжани бирин-устин кесиштирган ҳолда тутмоқ; 2) бировларга ҳурмат, эҳтиром юзасидан шу вазиятда турмоқ, қуллук қилмоқ; 3) *кўчма маънода*: иш қилмасдан кеккайиб, қаққайиб қараб турмоқ⁵¹. Мазкур ибора инсоннинг бирор фаолиятни астойдил бажаришдан аввалги жисмоний ва руҳий ҳолатига кўра шаклланган.

Қап ва *қап* асосли бирликлар қўлланган 73та мақол ажратилди.

Мақоллар таркибида қўлланган ҳаракат билдирувчи *қап* асосидан ясалган сўзлар орасида энг фаоли, частотаси энг юқори кўрсаткичга эга бўлгани *қопмоқ* ҳаракат лексемасидир. *Ит қутурса, эгасини қопади* (мақол). Халқ оғзаки ижоди намуналарида *қопмоқ* отларга нисбатан ҳам қўлланган: *Не бедовлар жазосини топади, Бир нечаси агнаб, қумни қопади* (“Алпомиш”). *Қопмоқ* лексемаси оғиз орқали “қамраб олиш” семасини ифода этади. “Қоп=” – “тишла” қадимги туркий тилда “ушла”, “ечиб ол” [Девон, II, 10] каби маъноларни англатган бу феъл асли “қап” тарзида талаффуз қилинган, ўзбек тилида а унлиси кейинчалик о унлисига алмашган: *қап* = → *қоп* =. Ш.Раҳматуллаев *қоп* = лексемасининг қадимги туркий тилда “тут”, “маҳкам ушла” маъноси борлигини қайд этган⁵².

Ўзбек халқ мақоллари таркибида ишлатилган *қопмоқ* лексемаси ўз маъносида, “тишламоқ”, “қамраб тишламоқ”, “тутмоқ” маъноларида қўлланган, мақол семантикасидаги *кўчма* маънонинг реаллашувига хизмат қилган⁵³. Демак, *қап* = лексемасининг семантик мазмуни жуда кенг бўлиб, “қамраб олмоқ”, “ёпмоқ”, “бирлашмоқ”, “беркитмоқ” билан бир қаторда “тутмоқ” семасини ҳам акс эттиради. Мақоллар таркибида қўлланган *қап* = ва

⁵¹ Раҳматуллаев Ш. Қўрсатилган манба. – Б.514.

⁵² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 1-жилд. -Тошкент: Университет, 2000.

⁵³ O‘zbek xalq maqollari. –Toshkent: Sharq, 2005. Қавс ичида шу нашр саҳифаси қўрсатилди.

қап= асосли сўзлар қўлланиш частотасига кўра фарқланади: *қонар* (10), *қониб* (5), *қопмас* (4), *қонади* (1), *қополмас* (1), *қопмай* (1), *қоптирма* (1), *қонагон* (1).

Қап= асосидан шаклланган бирликлар фраземалар, мақоллар таркибида келиб, барқарор бирикмалар семантикасининг реаллашувига хизмат қилади.

III бобда “Қап=” асосли от лексемалар генезиси ва семантик хусусиятлари” ёритилган. Бобнинг биринчи параграфида “Қап=” асосли от лексемаларнинг тарихий-этимологик таҳлили” амалга оширилган.

“Қап=” асосида ҳаракат-ҳолат бирламчи маъно ҳисобланади. Туркий тиллардаги от-фёъл омонимлигига асосланган туркум синкретизми ҳодисасига оид мисолларни таҳлил қилганда ҳам ҳаракат-ҳолат, яъни фёъл семасининг дастлабки белги эканлигини кўриш мумкин. “Қап=” асосида ҳаракат-ҳолат маъноси бирламчи ва етакчи мавқега эга. От лексемалар кейинги жараёнда юзага келган.

“Қап=” асосидан шаклланган от лексемалар 32тани ташкил қилади: *қапи*, *қопқон*, *қалпоқ*, *қўлқоп*, *пайпоқ*, *қамоқ*, *қовурға*, *қопқоқ*, *қобиқ*, *қовурдоқ* каби. *Қап*= асосидан ясалган лексемалар кийим ва кийим билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди. Масалан, *қалпоқ* лексемаси ҳам туркий тилга хос бўлиб, унинг асоси ҳам “қап”дир. Эски ўзбек тилида, хусусан, Алишер Навоий асарларида *қалпоқ*, *қалпоғ* шаклларида учрайди (ҒС.258).

Ҳозирги туркий тилларда, масалан, қирғиз, уйғур тилларида *қалпақ* шаклида қўлланади. *Қалпоқ* сўзи ясама бўлиб, у қап+ла+қ қисмларидан ташкил топган. Қадимги туркий тилда *қап* асосидан *қапїлдї* – қамалди (МК, II, 136), қапсадї – қоплади, қапсар, қапсамоқ (МК, III, 299), қапуғ, қапға, қапыд – эшик, дарвоза каби сўзлар ясалган. Бу сўзлар қалпоқ сўзи билан бир асосга (қап) эга. *Қалпоқ* сўзининг маъноси бекитувчи, қоплаб турувчидир. Бу сўзда л-п метатеза ҳодисаси юз берган⁵⁴. Ш.Раҳматуллаев “Ўзбек тилининг этимологик луғатида” *қалпоқ*нинг келиб чиқишини “юқори” маъносидаги *қал*- асоси билан боғлайди: (qali+ba=qaliba) + q = qalibaq > qalbaq > qalraq > qalrâq⁵⁵.

Параграфда *қавиқ* – чок тури; қавиладиган нарсалар (тўн, дўппи, кўрпа ва шу кабилар)нинг икки томонига ўтказиб тикилган чоки [ЎТИЛ, V, 338], *қапанак* – “жундан қилинган устки кийим, жул (босма) чакмон; дарвишларнинг жул кийими”, *қапаки* оти эса пойабзалнинг тагчарми, *қобиқ* нарсанинг устини қоплаб турувчи қатлам, пўстлоқ, устки қатлам, *қовурға* умуртқадан чиқиб, кўкрак суягига эгилиб келадиган, кўкрак қафасини ташкил қиладиган ёйсимон энсиз суяк, *қовуқ* I анат. Одам ва аксарият ҳайвонларнинг сийдик тўпланадиган, ичи бўш, халтасимон аъзоси; сийдик пуфаги; *қовуқ* II Чақмоқ суртиб, унинг учқунидан ўт ёқиш учун қилинадиган махсус пилик, пилта; *қовоқ* – кўз косасини қопловчи, очилиб ёпилиб турадиган тери, тана аъзоси; *қўлқоп*, *пайпоқ*, *қапа*, *қамал*, *қамоқ*, *қопқоқ*, *қоплам*, *қоплама*, *қоплон*, *қобон*, *қопчиқ* лексемалари изоҳланган.

⁵⁴Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. – Тошкент:Фан, 1991. –Б.132

⁵⁵Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. (Туркий сўзлар) 1-жилд. – Тошкент, 2000 –Б. 518

Қапак /қопқоқ. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли эшик маъносини англатган *қануг* отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи (а)қ қўшимчаси билан ҳосил қилинган. Қўшимча қўшилгандан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, шунинг учун ғ ундоши қ ундошига, а унлилари â унлиларига алмашган. *Қаруг* +ақ=қаруг‘ақ >қарғ‘ақ >қарқақ >қârqâq(ДС, 420 капак I покрывка, крышка)⁵⁶.

Алишер Навоий асарларида *қабуг*, *қобуқ*, *қобуг* – қобик, пўст, тери маъноларида учрайди⁵⁷. *Қовоқ* мумтоз адабиётда *қабак* шаклида ишлатилган⁵⁸. *Қовоқ* – полиз экини турини ҳам англатади [ЎТИЛ, 335]. *Қовоқ/қабак* пўсти қаттиқ бўлгани, идиш сифатида ишлатиладиган тури ҳам мавжуд бўлгани боис ҳарбий машқларда нишонга олинадиган буюм ўрнида ишлатилган: *Қабок* майдонида майдон бошидин чопиб, ёйни тушуруб кўруб, отиб қабокни урар эди⁵⁹. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатадиган бу от *қаб* отининг идиш, ўраб турувчи нарсаси маъносидаги, кичрайтириш маъносини ифодаловчи а(қ) қўшимчаси билан ҳосил қилинган. Кейинчалик б ундоши в ундошига, а унлиси о унлига алмашган: *қабак-қовоқ*⁶⁰.

Қоп асосдан ясалган энг серунум бирлик бу *қопқадир*. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *қопқага* “дарвоза” маъносидаги эскирган сўз шакли деб таъриф берилади. Дарвоза форс-тожик тилидан ўзлашган сўз бўлиб, қадимги туркий тилда бу бирлик ўрнида *қани*, *қаниг*, *қануг* шакллари кенг истеъмолда бўлган. Ҳозирда Хоразм шеvasида эшик, дарвоза маъносини англатувчи *қани* тарихий шакл сақланиб қолган [ЎТИЛ, 332].

Манбалар ва турли луғатлардан олинган ушбу маълумотлар шундан далолат берадики, *қоп* ва унинг асосида ясалган лексемалар тарихан кенг истеъмолда бўлган фаол лексемалар қаторига киради. Бу лексемаларнинг аксарияти ҳозирги кунда ҳам фаол қўлланмоқда. Баъзи *қоп* асосли бирликлар қадимги даврдаги маъносини сақлаб қолган, айримлари эса семантик ўзгаришларга учраган.

Иккинчи параграфда “*Қап=*” асосли от лексемалар иштирокидаги барқарор бирикмаларнинг функционал-семантик, когнитив хусусиятлари” ёритилган.

Қап= ва *қан=* асосли бирликлар барқарор бирикмалар таркибида келиб, умумий, яхлит семантикани юзага келтиришда функционал қийматга эгадир.

Қап= асосли лексемалар ҳозирда бир қатор фраземалар таркибида ҳам фаол қўлланади. “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”⁶¹даги *қан=* асосли бирликлар иштирокидаги 12та фраземадан 11тасини қап= асосидан

⁵⁶Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. (Туркий сўзлар) 1-жилд. – Тошкент: 2000. –Б.565.

⁵⁷ Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. –Б.304.

⁵⁸ Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. (электрон нашр) –Б.6

⁵⁹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 293

⁶⁰ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. (Туркий сўзлар). 1-жилд. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 518

⁶¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 407.

шаклланган от компонентли фраземалар ташкил қилади. Бу фраземалар *қовоқ* I (тана узви), *қовоқ* II (полиз экини), *қовурға* семантик ядроси асосида шаклланган.

Қап= асосли бирликларнинг фраземалар таркибида иштироки тил бирликларнинг когнитив хусусиятлари билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Масалан, **қовоқ калла** (*ёки бош*) Мияси йўқ, ақлсиз, аҳмоқ. Бу фразема таркибидаги қовоқ лексемаси “ичи бўш” семасини ифода этиб, ақлсизлик, аҳмоқлик ҳақидаги белгини ифода этишга хизмат қилмоқда. “Ичи бўш”лик белгиси орқали “йўқлик”, “эга эмаслик” тушунчаси акс этмоқда. Табиатда ичи бўш нарсалар кўп: пуч ёнғоқ, бочка, қудуқ. Лекин айнан қовоқдаги ичи бўшлик ўзбек тили соҳиби онгида “ақлсизлик” тушунчасини юзага келтирган.

Қап= асосли от лексемалар мақоллар ва маталлар таркибида ҳам келган. *Қап* асосли от лексемаси иштирок этган 53та мақол ажратилди. **Қоп** 11та мақол таркибида қўлланган. Мақоллар таркибида *қоп* лексемасининг ўзи қуйидаги семаларни ифодалаган: “катталиқ, катта ҳажм” семаси ифодаланган: Бўз ямоғи – бўзча, Қоп ямоғи – қопча (378)⁶²; “бирор нарсага мўлжаллангани ва шусиз керакли ҳолатда бўла олмаслик” семаси акс этган: Бўш қоп тик турмас (382). *Қоп* лексемаси матн таркибида бир неча кўчма маъноларини юзага чиқаради [ЎТИЛ,V,335]. “*Бўш қоп тик турмас*” мақолида *қоп* айнан буюм маъносини англатган. Яъни қопнинг нарсаси предмет, маҳсулотларни бир жойга жамлаб, тўплаб туриш хусусияти акс этган. Қопнинг ичи тўла бўлгандагина у ўзининг шаклини намоён қилиб туради, агар қопнинг ичи бўш бўлса, у тик турмайди, ўз шаклини йўқотади; “кундалиқ ҳаётда кўп ишлатилиши” таъкидланган: Синалмаган соп қолмас, Йиртилмаган қоп қолмас (400). Чунки қопдан турмушда кўп фойдаланилганлиги боис йиртилади. Бу сема *Қопнинг гарди кетса-кетсин, Одамнинг бурди кетмасин* (240) мақолида ҳам акс этган; “осонлик” семасини ифодалаган: Юз қопни боғлаб бўлар, Юз оғизни боғлаб бўлмас (416); “йўқ бўлиш” семаси ифодаланган: Қозонга кирган қайтиб қопга кирмас (366); “мулк” семаси акс этган: Ҳар киши ўз қопининг оғзини ўзи очар (375); “кўп”лик семаси ифодаланган: *Иш қилганга қоп-қоп, Қилмаганга бўш қоп*. Бу мақолдаги “*қоп-қоп*” маҳсулотларнинг кўплигига ишора қилиб, кейинги йилларда моддий маблағни ҳам англатади. Мақолдаги *қоп-қоп* бирлигида “фаровонлик” семаси ҳам акс этган. “Қоп-қоп” лексемасининг такрори меъёрдан ортиқликни англатади. Меҳнат инсонни кўкларга кўтариши ҳақидаги ғоя ҳам шу мақол орқали акс эттирилади. *Қоп-қоп* такрори мана шу мазмунни кучлироқ тарзда ифодалашга хизмат қилган. Бу мақолдаги *қоп* лексемаси мақолнинг қадимийлигини билдиришга ҳам хизмат қилади; *Гап десанг, қоп-қоп, Иш десанг, Аштархондан топ* (28) мақолида “кўп”лик семаси салбий бўёқдорлик асосида намоён бўлган; “қутулиш” семаси акс этган: *Ёмон хотин кимники – олақопники, Олақопнинг бўлмаса, аллакимники* (58). Матн мазмунидан *олақоп*нинг маҳсулотларни ёки чиқиндиларни

⁶² Мақоллар қуйидаги манбадан олинди. Нашр саҳифаси қавс ичида кўрсатилди.

ташлаш учун мўлжалланган анжом эканлиги кўриниб турибди. Бунда “ёмон хотиндан воз кечиш” семаси ифодаланган.

Мақоллар таркибида қап= асосли бирликлар тушунча ифодалашдан ташқари барқарор бирикма семантикасидаги когнитив, психолингвистик белгиларни ҳам ифодалашга хизмат қилган.

Учинчи параграфда “*Қап= асосли лингвистик бирликларнинг семантик тўр асосидаги таҳлили*” келтирилган.

Семантикага оид тақиқотларда сўз маъносининг тарихий тараққиёти ўзгармас ҳолда тузилган майдоннинг қайта қисмларга бўлиниши сифатида изоҳланади. Сўзнинг семантик майдонга мансублиги синхрон характерга эга бўлиб, даврлар оша ўзгаришларга учраши мумкин. Маълум семема таркибида нечта асосий сема мавжуд бўлса, ушбу семема ҳар бир семаси асосида турлича маъновий боғланишлар ҳосил қила олади⁶³. Сўз маълум семемасига кўра муайян семантик майдонларга бирлашади. Семантик майдонда сўзлар бир-бири билан туташмаслиги қайд этилади. Сўз маъноларининг бир-бирига туташмаслиги нисбий тушунча бўлиб, этимологик таҳлиллар турли майдонга мансуб лексемаларнинг семантик жиҳатдан боғланиши мумкинлигини кўрсатади. Мазкур алоқадорликлар семантик тўрларни юзага келтиради. Бу эса семантик майдон тушунчасининг семантик тўрлар билан тўлдирилишини тақозо қилади.

“Семантик тўр” семантика масалаларига қаратилган интеграция асосидаги таҳлил методларидан бири ҳисобланади. Семантик тўр компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикасида фаол қўлланмоқда⁶⁴. Семантик тўр ҳам ҳодисани, ҳам методни ифодалайди. Қуйида “беркитмоқ” семантик узвлари орқали бирлашувчи *қап*= асосли лексемаларни семантик тўр асосида кўриб чиқамиз.

Қоп сочилувчан нарсалар солиб қўйиладиган рўзғор буюми [ЎТИЛ,V,335]. Ушбу изоҳни давом эттирган ҳолда *қоп*нинг вазифаларини ажратамиз. *Қоп*, биринчи навбатда, сочилиб кетиш хавфи мавжуд бўлган маҳсулотларни бир жойга жамлаб туради, иккинчидан, уларнинг ёпиқ ҳолда сақланишини таъминлайди, учинчидан эса, ичидаги маҳсулотни ташқи таъсирлардан ҳимоялайди, яъни беркитади. Демак, *қоп*да “беркитиш” семаси устун.

Таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, *қа*= асосидан шаклланган ҳаракат-ҳолат билдирувчи *қап*= лексемаси семантикасида, даставвал, “қамраб олмоқ”, “бирикмоқ”, “қўшилмоқ”, “ёпишмоқ” семалари мавжуд бўлган. Кейинчалик “устма-уст қўймоқ”, “ёпмоқ”, “яширмоқ” семалари шаклланган: осмонни булут қоплаши (“тўлалигича қамраб олиш”) → қапи (эшик, уй оғзини “ёпиш”) → қопқоқ (“идишни ёпиш”). *Қап*= лексемасидан семантик усул билан, туркум синкретизми асосида *қап* оти ясалган. Натижада ҳаракат-ҳолат билдирувчи лексемадан нарса-буюм номини

⁶³Ҳакимова М. Семасиология. –Тошкент, 2008. –Б. 72.

⁶⁴Xolmanova Z. Semantik maydon va semantik to'r imkoniyatlari. “Kompyuter lingvistikasi: muammolar, yechim va istiqbollar” mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya. –Toshkent, 2022. –Б.37-43

билдирувчи лексема ҳосил бўлган. Бунинг оқибатида “ичи бўш”, “беркитиш”, “ўраш” семалари юзага келган.

Қап= асосидан шакланган луғавий бирликлар муайян семантик узвлар орқали ўзаро бирлашади. Лексема семантик таркибидаги муайян семалар семантик узв вазифасини бажаради. *Қап* = асосли *қамал*, *қамоқ*, *қамров*, *қоплам*, *қоплама*, *қопловчи*, *қобиқ*, *қовурға*, *қопқон*, *қоплон*, *қамрамоқ*, *қамамоқ*, *қопламоқ*, *қопланмоқ*, *қопмоқ*, *қоптирмоқ*, *қобон*, *қонагон*, *қопонгич* сўзларини “қамраш” семантик узви бирлаштириб туради. *Қадоқ*, *қабарик*, *қабармоқ*, *қабарчимоқ*, *қаппаймоқ* лексемалари “бўртиш” семантик узви орқали боғланади. *Қавиқ*, *қайиш*, *қавимоқ* лексемаларида “устма-уст қўйиш”, “бириктириш” семалари семантик узв вазифасини бажаради. *Қоп*, *қопча*, *қопчик*, *қопқон*, *қовуқ*, *қовун*, *қовоқ*, *қўлқоп*, *пайпоқ*, *қалпоқ* лексемаларининг семантик узви “ичи бўш” семасидир. *Қопи*, *қопу*, *қопқа*, *қопқоқ*, *қопқоқли*, *қопқоқламоқ* лексемалари “ёпмоқ” семантик узви асосида бирлашади.

Қамашмоқ, *қамаштирмоқ*, *қапишмоқ*, *қовушмоқ*, *қовуштирмоқ*, *қовурма* лексемаларининг семантик узви “бириктирмоқ” семаси ҳисобланади. Ушбу лексемалар “қамраш”, “бирлашиш” семантик узви асосида ҳам бирлашади.

Қап=асосидан шаклланган лексемалар семантикасидаги семалар тадрижий тараққиётини қўйидагича ифодалаш мумкин: “қамраб олмоқ” → “бирикмоқ” → “қўшилмоқ” → “ёпишмоқ” → “устма-уст қўймоқ” → “ёпмоқ” → “яширмоқ”.

Ҳозирда қўлланаётган *қап*= ва асосли лексемалар семантикасида қадимги туркий тил давридаги маънолар сақланиб қолган. Масалан, *қа* – асосидаги “маҳкам ушламоқ”, “тутмоқ” маъноси (ДЛТ, III, 114) “тишламоқ” маъносидаги *қопмоқ* лексемасида сақланган.

Қап= асосли бирликларнинг тарихий семантикасида ўзгаришлар кузатилади. Масалан, *қап*= лексемасининг “ғилоф”, “жилд”, “она қорнида бола ўралиб турган парда, халта” (ДЛТ, III, 80) маънолари ҳозирги ўзбек тилида кузатилмайди.

қап= асосидаги “она қорнида бола ўралиб турган парда, халта” (ДЛТ, III, 80), “тухум ичидаги парда” маъноси (ҚР,47) *қобиқ* (буғдойнинг устки қисми), *ўт қопи* лексемаларида кузатилади.

Тилшуносликда “бир хил товуш қобиғи” (звуковая оболочка) тушунчаси мавжуд. Бир хил фонетик қобиқ бир тил доирасида кузатилса, аксарият ўринларда семантик алоқадорлик мавжудлигини кўриш мумкин. *Қап*= (генезиси жиҳатидан *қа*=) асосли лексемаларда яна бир сема устунлик қилади. Бу биргалик, жамлик семасидир. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги “ҳамма” биргалик олмоши мана шу жамлик семасига эга бўлган лексема саналиб, унинг тарихий шакли *qamagʻ/qamugʻ* саналади. Бу сема “қа=”нинг қамраб, ўраб, жамлаш туриш хусусиятидан келиб чиқади. Биргалик олмошлари от, сифат ва сон ўрнида келиб, нарса - предмет миқдори, саноғини билдирган. Қадимги туркий тилда *qamugʻ*, *alqu*, *barča*, *bütün*, *qor* “барча, ҳамма” каби биргалик олмошлари ишлатилган⁶⁵.

⁶⁵ Abdushukurov B. Qadimgi turkiy til.-Toshkent, 2019. – Б. 50

Семантик тўрлар лисоний бирликлар ўртасидаги алоқадорликни тармоқ усулида ёритишда, матнни тушунишда, прагматик маъносини англатишда, фикр ифодасини аниқлаштиришда ўзига хос ўрин тутади⁶⁶. Лексемалар таҳлили жараёнида семантик тўр методини татбиқ этиш луғавий бирликлар ўртасидаги алоқадорликни, сўз ясалиш хусусиятларини, семантик тараққиёт белгиларини ёритишда аҳамиятлидир.

ХУЛОСА

1. Тилшуносликда луғавий бирликларни лисоний онгда барқарорлаштириш, тизимли равишда жойлаштириш, лексемалар ўртасидаги семантик алоқадорликни ўрганиш, лексемаларнинг тарихий генезисини ёритиш; тарихий илдизларини аниқлаш амалий аҳамият касб этмоқда. Семантика доирасида олиб борилган тадқиқотлар лексема семантик структурасининг ижтимоий-турмуш тарзига боғлиқ равишда ва тил эгасининг дунёқараши негизида динамик тарзда ривожланиб боришини кўрсатади.

2. Лексик бирликларнинг структур-семантик тараққиёти фонетик-фонологик, лексик, грамматик сатҳ масалалари атрофида ўрганилган. Семантика лингвистик соҳа сифатида тилнинг барча сатҳлари учун хос бўлса-да, семантик таҳлилларда марказий ўринда тилнинг луғавий бирликлари таҳлили туради. Семантик таҳлилларнинг мураккаблиги луғавий бирликларнинг ҳам сўз, ҳам тушунча сифатида баҳоланиши, грамматик, прагматик, когнитив омиллар билан алоқадорлиги билан изоҳланади.

3. Семантикага доир аксарият тадқиқотларда таҳлиллар семантик майдон назарияси асосида олиб борилган. Семантик майдон лексемалар ўртасидаги мазмуний алоқадорликка асосланиб, сўзларнинг семантик тараққиётини аниқлашга, муайян мавзуга доир тушунчаларнинг семантик майдондаги ўрнини кўрсатишга хизмат қилади. Семантикага доир тадқиқотлар тил бирликларнинг ижтимоий функцияларини таҳлил қилишда, компьютер лингвистикасида қўлланаётган сунъий интеллект, сентимент таҳлил, тезаурус луғатлар учун маълумотлар базасини шакллантиришда аҳамиятлидир.

4. “Қап=” асосли луғавий бирликлар ижтимоий-маданий муносабатлар натижасида рус тили ва бошқа тилларга ўзлашган. Рус тилига ўзлашган “қап=” ва қап= асосли бирликлар семантикасида мазкур сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги маънолари билан уйғунлик мавжуд. Шунинг баробарида лексемалар семантикасида ижтимоий воқелик, субъектив муносабат, идрок, лисоний онг таъсиридаги семантик ўзгаришлар ҳам кузатилади.

5. Дунё тилшунослигида “бир хил товуш қобиғига эга тил бирликлари ўртасида алоқадорлик мавжуд”. *Қап* ва *қап* асосли бирликлар этимологиясини ёритишда қадимги туркий тил, эски ўзбек адабий тили манбалари фактик материал вазифасини ўтайди. Мумтоз манбаларда ва

⁶⁶ Xolmanova Z. Semantik maydon va semantik to`r imkoniyatlari. “Kompyuter lingvistikasi: muammolar, yechim va istiqbollari” mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya. –Toshkent, 2022. 37-43

тарихий луғатларда *қан* ва *қан* асосли луғавий бирликлар ранг-баранг семаларда қўлланган. Бу семаларнинг аксарияти ҳозирда қўлланаётган *қан* ва *қан* асосли бирликларда кузатилади. Айрим семалар истеъмолдан чиққан, баъзи сўзлардагина сақланиб қолган. Лексемалар семантик таркибида айрим семаларнинг шаклланиши кейинги даврларга хосдир. *Қан* ва *қан* асосли бирликлар ўзбек адабий тили ва шеваларда фаол қўлланади.

Қан ва *қан* асосли лексемалар ва шу лексемалар иштирокидаги барқарор бирикмалар бир хил фонетик қобик ва туташ семалар асосида бирлашади.

6.Қадимги туркий тилда юздан ортиқ *қан*= ва *қан*= асосидан шаклланган лексемалар қўлланиб, шахс ҳаракати ва фаолияти, жонзотлар хатти-ҳаракати, нарса-буюм, идиш, сабзавот отлари ва ҳоказо отларни ифодалаб келади. Бошқа лексемалар билан муносабатга киришиш жараёнида мазкур бирликлар семантикасига хос маънолар реаллашган. Қадимги туркий тилда юздан ортиқ *қан*= ва *қан*= асосидан шаклланган лексемаларнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати айрим лексемаларнинг ўзгаришсиз, айти шаклларда учраши, семантик ўзгаришлар билан ишлатилиши, айримларининг ўзбек шеваларида қўлланиши ва баъзи бирликларнинг истеъмолдан чиққанлиги билан изоҳланади.

7. *Қан* ва *қан* асосли лексемалар таҳлили ҳаракат ва нарса-буюм маъносидаги *қан* лексемалари мавжудлигини кўрсатди. Бу бирликлар шаклланишига кўра бир асосга мансуб бўлиб, тил тарихининг кейинги даврларида омоним сифатида баҳоланади. Дастлаб, муайян жараёни ифодаловчи ҳаракат билдирувчи *қан* феъл-лексемаси юзага келган. Кейинчалик, шу лексемадан шаклланган нарса-буюмни ифодаловчи *қан* от-лексемаси семантик усул билан ҳосил бўлган.

8.*Қан/қоп* от лексемаси семантик усул асосида ҳаракат-ҳолат маъносидаги шаклдош сўздан ҳосил бўлган. “Қап=« асосли от лексемалар кийим-кечак, нарса-буюм отлари бўлиб, зоонимлар, тана аъзолари номларида ҳам иштирок этган. Нарса-буюм отлари “қамраб олиш”, ”“ичи бўш”, “устма-уст қўйиш”, “буюм” семантик узвлари орқали бирлашади. “Қап=« асосидаги от лексемалар структур-грамматик, тарихий жиҳатдан муайян ўзгаришларга учраган.

9.Семантика масалаларини таҳлил қилишда интеграция асосидаги таҳлил методларидан бири бўлган “семантик тўр” методи татбиқ этилмоқда. Семантик тўр лексемалар ўртасидаги алоқадорлик узвларини, занжирларини аниқлашга ёрдам беради. Семантик тўрлар, айтиқса, лексемалар ўртасидаги семантик муносабатларни, мазмуний алоқадорликни ёритишда қулай имкониятлар яратади. Семантик тўр таърифлаш, изоҳлаш, аниқлаш мақсадида қўлланади.

10. *Қан* ва *қан* асосли бирликлар юздан ортиқ лексемаларни қамраб олади. Бу лексемалар *қан* асоси аторофида ўзига хос семантик тўрларни ҳосил қилади. Бу тўрлар сўзлар ўртасидаги алоқадорлик белгиларига кўра бир неча гуруҳларга бўлинади. Семантик тўр бирликлари ўртасидаги муносабат семантик узвларга асосланади. *Қан* асосли бирликлар ўзига хос сема узвлари орқали семантик тўр ҳосил қилади.

11. *Қап* ва *қап* асосли бирликлар иштирокидаги барқарор бирикмалар тилнинг тасвирийлик, таъсирчанлик хусусиятлари, тўплаш функциясини ўзида акс эттиради. Барқарор бирикмалар семантикасида *қап* ва *қап* асосли бирликлар семалари ядро вазифасини ўтайди. *Қап* асосли бирликлар иштирокидаги фраземалар тил эгаси онгида нарсалар, белгилар, ҳаракат-ҳолатга оид образли ифоданинг барқарорлашувига хизмат қилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 AT TASHKENT SATAE UNIVERSITY OF THE
UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE NAMED AFTER
ALISHER NAVOI**

**TASHKENT SATAE UNIVERSITY OF THE UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE NAMED AFTER ALISHER NAVOI**

RIXSIYEVA KAMOLA GAFUROVNA

**GENESIS AND SEMANTIC DEVELOPMENT OF UNITS WITH THE
BASIS “KAP=”**

10.00.01 – Uzbek language

ABSTRACT OF DOCTOR PHILOSOFY (PhD) OF FILOLOGICAL SCIENCES

Ташкент – 2022

The theme of doctor of philosophy (PhD) thesis was registered by the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministres of the Republic of Uzbekistan under No B2022.1.PhD/Fil2180.

The doctor of philosophy thesis was written at Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi


The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the website of the Scientific Council (www.tsuull.uz) and on the "ZiyoNet" Information and Education portal (www.ziynet.uz).

Scientific supervisor:	Kholmanova Zulxumor Turdiyevna doctor of philological sciences, professor
Official opponents:	Ashirboyev Samixon doctor of philological sciences, professor Ubaydullayev Alisher Abdusalomovich candidat of philological sciences, associate professor
Lead organization:	Uzbek language, literature and folklore i institute

will be held at the meeting of the Scientific Council numbered DSe.03/30.12.2019.Phil.19.01 at the Alisher Navoi Tashkent State University of Uzbek Language and Literature, 2022 "30" "11" at 10⁰⁰. (Address: 103 Yusuf Khos Hajib street, Yakkasaray district, Tashkent, 100100. Tel.: (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz); e-mail: monitoring@www.tsuull.uz).

The dissertation can be viewed at the Information Resource Center of Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi (registered with number 234). (Address: 103 Yusuf Khos Hajib street, Yakkasaray district, Tashkent, 100100. Tel.: (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz).

dissertation was distributed on "15th november, 2022.
(2022 "15th november" digital register statement of).

	I.I. Adizova Chairman of the academic council awarding academic degrees, doctor of philology, professor
	Q.U. Pardaev Scientific secretary of the academic council awarding academic degrees, doctor of philological sciences, associate professor
	N.M. Mahmudov Chairman of the scientific seminar under the academic council, doctor of philology, professor

INTRODUCTION

PhD dissertation abstract

Relevance and significance of dissertation topic. In world linguistics, the study of the semantics of linguistic levels, the development of base morphemes, the basic status in the formation of new lexemes, and the semantic connection of lexemes of different structures is gaining practical importance. Changes in the lexeme structure, semantic processes show that the object-phenomenon, objective entity, sign-property, expression of the action-state in the linguistic consciousness, the level of perception, the cultural value develop dynamically during the historical development. Structural similarity or homogeneity of morphemes forming the basis of lexemes shows the semantic relationship between these units.

In world linguistics, the structural development of lexemes has been studied in phonetic, morphological, and grammatical aspects in relation to the morphological characteristics and typological signs of languages. The historical roots of lexemes formed from the same base have been determined. Changes in the semantics of historical universal lexemes are analyzed from the point of view of linguistic awareness, level of thinking, perception. As semantics develops as a modern direction in world linguistics, the issue of separating semantic networks based on the relationship between lexemes becomes of urgent importance.

«The history of the Uzbek language, which belongs to the large family of Turkic languages, is closely connected with the centuries-old past of our nation, its dreams, sorrows and dreams, triumphs and victories. Recently, our country became a member of the «Cooperation Council of Turkic-Speaking Countries». This, in turn, serves not only to strengthen mutual economic cooperation, but also to raise the international status of Turkic languages, including the Uzbek language»¹. By researching the genesis and semantics of units based on “qap”, the etymology of several words in the Uzbek language is clarified, their general Turkic bases are determined, and the features of structural-semantic development are analyzed. The results of this research serve as scientific material for etymological studies in the lexicon of Turkic languages.

№ DP-4797 of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 13, 2016 «On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek language and literature named after Alisher Navoi», № DP-5850 dated October 21, 2019 «On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language», № DP-6084 dated October 20, 2020 «On measures to further develop the Uzbek language and improve the language policy in our country» № RP-2789 dated February 17, 2017 «About measures for further enhancement of activities of Academy of Sciences, organization, management and financing of research activities», № RP-2995 dated May 24, 2017 «On measures to further improve the system of preservation, research and promotion of ancient written sources» and the scientific results of this dissertation serve to a certain

¹ Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросим”да сўзлаган нутқи // Xalq so‘zi, №86. 2019- yil 21- oktabr. – Toshkent, 2019. – B. 1-2.

extent in the implementation of tasks defined in other regulatory legal documents related to the activity of this field.

Compliance of the research with the priorities of the republic's science and technology development. The dissertation was completed in accordance with the priority direction of the republic's science and technology development «Formation of a system of innovative ideas and ways of their implementation in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the information society and the democratic state.»

Degree of studying the problem. Although it is emphasized in the theoretical sources that the development of semantics is characteristic of the periods after the 20th century, it can be observed that the research in this direction has an ancient basis. The study of the meaning of linguistic units was studied several hundred years ago in the linguistics of Ancient India, Ancient China in the V-III centuries BC, in Ancient Greece and later in the medieval European tradition, and then by grammarians and philosophers of the Renaissance². Dictionaries aimed at elucidating the semantics of words in the period of the old Uzbek language also show the existence of national bases of semantics. The issues of linguistic semantics in Uzbek linguistics are reflected in the researches of scientists such as I. Kuchkortoiev and Sh. Rakhmatullaev³. I. Kuchkortoiev was one of the first to explain semantics and its issues, lexical meaning and its essence, structure, word meaning and its valence on a scientific basis⁴. Sh. Safarov described the theoretical foundations of the development of semantics in linguistics⁵. M. Mirtojiev created the basis of Uzbek semasiology and formed the theoretical foundations of lexical level semantics⁶.

The recorded sources cover the theoretical foundations of the fields of semasiology, semantics. Consonant words were studied in diachron aspect, historical word formation was analyzed, changes in the meaning of the lexeme were investigated, although the semantics of units based on “қап” were not studied in the monographic plan.

The connection of the dissertation research with the research plans of the institution of higher education where the dissertation was completed. The dissertation was completed in accordance with the research plan of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi within the framework of the topic «Social, historical and modern development of the language».

The purpose of the research is to reveal the genesis of lexical units based on «qap=», to substantiate the features of semantic development, to identify

² Жеребило Т.В. Лингвосемантическая парадигма в соотношении с лингвостилистикой // *Lingua-universum*. – 2006. – № 3. – С. 17-21.

³ Рахматуллаев Ш. Семема–мустақил тил бирлиги//ЎТА, 1984. №5. – Б.18; Рахматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш ҳақида//ЎТА, 1974. № 1; Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1992. –Б.173-147.

⁴ Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.21-24.

⁵ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 14-15

⁶ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. – Б. 5.

interrelated semantic elements, to reveal the cognitive-semantic function of lexical units based on «qap=» in stable combinations.

Research objectives:

To summarize and analyze researches on the genesis and semantics of base units “qap=”;

To carry out a linguostatistical, historical-etymological analysis of base units “qap=”;

To identify integral schemes between base lexical units “qap=” based;

To show the specific features of the development of base lexical units “qap=”;

To determine the level of use of base units “qap=” in the current Uzbek language;

To show the factors of acquisition of base units “qap=” into the Russian language.

The object of the research is the linguistic base units “qap=” recorded in the sources, dictionaries, Uzbek⁷ and Russian language dictionaries⁸, phraseology dictionary⁹, proverb dictionary¹⁰ of ancient Turkic language, old Turkic language, old Uzbek literary language.

The subject of the research is the semantic development of the lexical base units based on “qap=”, the structure of the themes, the semantic properties of the lexical base units “qap=” in stable compounds, the semantics of base units қап that have been assimilated into the Russian language.

Research methods. Diachronic, synchronous, induction, deduction, structural-grammatical component analysis, conceptual, linguostatistical analysis methods were used in the dissertation.

The scientific novelty of the research is as follows:

lexemes base “qap=” in the modern Uzbek language were collected, historically-etymologically, linguistically-statistically examined for the first time in a monographic plan and their genesis was determined;

the historical sections of the base lexemes “qap=” and their relation to the base units in the current Uzbek language “qap=” are proved by analogy with the comments in etymological dictionaries;

the functional-semantic features of the current Uzbek language of the base vocabulary units “qap=”, as well as the semantic members between the base lexemes “qap=” and the factors that cause these members are identified;

the scientific effect of using the semantic mesh method for the first time in determining the genesis of lexemes has been proven; cognitive-semantic, functional-methodological features of base lexemes “qap=” in the composition of phrasebooks, proverbs and sayings are revealed.

The practical results of the research are as follows:

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 – 2008.

⁸ Шипова Е.Н. Словарь тюркизмов в русском языке. – Алма-Ата: Наука, 1976. – С 29

⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998, –Б. 514.

¹⁰ Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: проф. Т.Мирзаев, А.Мусакулов, Б.Саримсоқов. – Тошкент, 2019. –Б. 512.

more than one hundred units based on «қап» are identified, the semantic relationship between them is revealed;

the role of units based on «қап» in the formation of phrasemes is shown;

“qap=” base units structures are defined;

changes in the semantics of «қап» base lexemes are analyzed;

the semantic network between base units «қап» is defined;

The reliability of the research results is based on the fact that the etymology of base units «қап» is taken from the most reliable sources in the ancient Turkic language, that theoretical information is based on accurate scientific sources, that the methodological approach is systematic, that the given problem is clearly and sufficiently substantiated, that the research results are confirmed by competent structures, new directions of world linguistics and It is explained by the fact that it is scientifically and theoretically based on analytical methods.

Scientific and practical significance of research results. The scientific significance of the research results is determined by the fact that it can be used in the study of the etymological processes of the Turkic-Uzbek language, solving existing problem issues in this regard, scientific materials can be used in the writing of scientific works, teaching aids, drawing up special courses and lectures on the linguistic, ethnic and cultural history of Central Asia,

The practical significance of the research results is explained by the fact that it can be used in the creation of textbooks, teaching and methodological manuals on the history of the Uzbek language, comparative-historical grammar of Turkic languages, Uzbek terminology, lexicography, in the preparation of Master's, doctoral dissertations, in the study of special courses.

Implementation of research results. Based on the scientific results obtained on the semantic analysis of base units “qap=”:

from the scientific-theoretical conclusions regarding the manifestation of relatedness based on the themes in the semantics of single-based lexical units, the expression of signs related to the collecting function of the language in the semantics of “qap=” based units, number A-OT-2019-10 “Naming in the Uzbek language: creating regulatory and legal foundations” (2019-2022) was used in the practical project (Reference No. 01/4-2502/1 dated September 10, 2022 of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi). As a result, it served as a theoretical source in determining the characteristics of the formation of names from lexical units with action-state symbols, and in determining the content of symbols as lexemes;

theoretical conclusions about semantics, traditions of its occurrence, factors of emergence, changes in the semantics of the lexeme, which are considered an ancient direction in Uzbek linguistics, reimproving on the basis of the requirements of the time, were used in a practical project PZ-20170927147 on the topic “study of Turkic written sources from ancient times to the XIII century” (2018-2020) (Reference No. 04/1-879 dated May 7, 2022 of Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi). As a result, the influence and importance of semantically related lexemes on semantic processes in the stages of

formation and development of the Uzbek language vocabulary of thousands of years served to justify;

The concepts of lexeme, sememe, sema, thing-event, action-state, relation in the linguistic consciousness in the expression of a sign-property, commonalities in understanding and perception of the world, changes in the structure-grammar of the lexeme, semantic expansion, narrowing are from the scientific and theoretical conclusions of the “Ўзбекистон тарихи” TV channel. It was used in writing the script of the show “Ҳамма учун” (reference No. 06-28-646 of UzNTRC “Ўзбекистон телерадиоканали” SUE dated July 27, 2022). As a result, the content of the materials prepared for the program is enriched with theoretical and practical information.

Approval of research results. The results of the research were discussed at 6 international and 6 Republican scientific and practical conferences.

Publication of research results. A total of 20 scientific articles were published on the topic of the dissertation. Of these, doctoral dissertations of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan were published in scientific publications recommended to print the main scientific results of 11 articles, 7 in Republican, 4 in foreign journals.

Structure and volume of the dissertation. The study consists of an introduction, three chapters, a conclusion, references and an appendix, and its volume is 150 pages.

THE MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION

In the **introduction**, the relevance of the dissertation topic is based, the purpose and tasks, objects and subjects of the research are described, the compatibility with the priority directions of the development of science and technology of the republic is shown, the scientific novelty and practical results of the research are described, the scientific and practical significance of the obtained results is revealed, the implementation of the research results into practice, published works and information on the structure of the dissertation are presented.

Chapter I of the dissertation describes “Development of semantics as a linguistic field”. The first paragraph of the chapter describes “*Description of semantics and research on lexical semantics*”. The root of semantics go back to ancient philosophy¹¹. Within the framework of semantics and its issues, the central place is occupied by the lexical unit of the language¹². It is necessary to rely on linguistic and non-linguistic factors when defining semantics and its problem, evaluating the semantic structure of words.

It is emphasized in the researches that the issue of semantic field, valence, and national characteristics have a special place in semantic development. Most of the researches on semantics are studies devoted to the analysis of the semantic field

¹¹Жеребило Т.В. Лингвосемантическая парадигма в соотношении с лингвостилистикой // *Lingua-universum*. – 2006. – № 3. – С. 17-21

¹² Бу ҳақида қаранг: Золотарёва Т. А. Семантические особенности английских абстрактных существительных, влияющие употребление артикля: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2003. – С. 10.

based on the semantic relatedness of the lexical units of the language. In the chapter Y. Trier¹³, L. Weisgerber¹⁴, G. Shchur¹⁵ on the theory of semantic field are analyzed. The contents of the researches of V. Zveginsev¹⁶, I. Tolstoy¹⁷, D. Shmelev¹⁸, O. Seliverstova¹⁹, L. Vasilev²⁰, V. Ibragimova²¹, L. Novikov²², Kobozeva²³ in Russian linguistics are covered.

The issues of linguistic semantics in Uzbek linguistics are reflected in the researches of scientists such as I. Kuchkortoiev and Sh. Rakhmatullaev²⁴. In particular, I. Kuchkortoiev was one of the first to cover semantics and its issues, lexical meaning and its essence, structure, word meaning and its valence on a scientific basis²⁵. Sh. Rahmatullaev emphasized that the lexical meaning consists of a set of ideographic, categorical, positive or negative evaluation schemes²⁶. Sh. Safarov described semantics as a separate field²⁷. The relationship between the form and content of linguistic units is described by A. Nurmonov studied on the basis of syntactic level materials²⁸. M. Mirtojiev analyzed the theoretical foundations of Uzbek language semantics²⁹.

Candidate dissertations of D. Bozorova, I. Abdurahmonov, R. Yunusov, T. Musaev among the initial works on the analysis of the semantic field in Uzbek linguistics; I. Kochkortoiev's doctoral dissertation on speech verbs can be shown.

The study of the semantic fields of the word on a linguistic-semantic basis began to enter Uzbek linguistics on a large scale from the 90s of the last century. Researches of scientists such as R. Rasulov³⁰, Sh. Iskandarova³¹, N. Nishonova³²,

¹³ See.: Trier J. Der deutsch Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes. – Heidelberg. 1931; Die Wortc des Wissens // Mitteilungen des Universitätsbundes. – Marburg. 1931; Sprachliche Felder // Zeitschrift fur deutsche Bildung. – 1932. Bd. 8. Hf. 9. –P.417-425; Deutsche Bedcutungsforschung. – Germansche Philologie: Ergebnissc und Aufgaben. Festschrift fiir Obehahel. – Heidelberg. 1934. – P. 173-200.

¹⁴ Weisgerber L. Worn Weltbilder der deutschen Sprachc. – Dusseldorf. 1950.

¹⁵ Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. – Москва: Наука. 1974.

¹⁶ That work. –Б. 125

¹⁷ Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии // Славянское языкознание. – М.: Наука. 1968. – С. 339-365; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – М., 1965. – С. 15; Найда Ю.Н. Наукaперевода // ВЯ, 1970. – №4. – С. 9.

¹⁸ Шмелев Д.Н. Очерки по русской семасиологии. – Москва, 1964.

¹⁹ Селиверстова О.Н. Компонентный анализ многозначных слов. – Москва: Наука, 1975.

²⁰ Васильев Л.М. Семантика русского глагола. – Москва: Bill, 1981.

²¹ Ибрагимова В.Л. Семантика русского глагола. – Уфа: Изд. БУ, 1988.

²² Новиков Л.А. Семантика русского языка. – Москва, 1982.

²³ Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. – Москва: Эдиториал УСС, 2000. – С. 8-10.

²⁴ Рахматуллаев Ш. Семема– мустакил тил бирлиги//ЎТА, 1984. №5. –Б.18; Рахматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш ҳақида//ЎТА, 1974. № 1; Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1992. –Б.173-147р.

²⁵ Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.21-24.

²⁶ Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши.2-нашри. – Тошкент, 2008. –Б.4.

²⁷ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 14-15

²⁸ Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. –Тошкент, 1988; шу муаллиф. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент, 1991; шу муаллиф. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). –Тошкент, 2001.

²⁹ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз. 2013. –Б.20-25

³⁰ Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентности. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент. 1989.

³¹ Искандарова И.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1999.

³² Нишоновна Н.Р. Ўзбек тилида “ҳайвон” архисемали семемалар майдонининг мазмуний таҳлили. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2000.

S. Muhamedova³³, H. Tojimatov³⁴ have a special place in this. The historical roots of semantics are connected with philosophy and logic, while today's achievements are related to information technology and computer fields. Sentiment analysis, semantic web methods, and thesaurus dictionaries used in computer linguistics rely directly on semantic analysis.

The second paragraph of the chapter talks about «*Researches and resources on the semantics of lexemes base units “qap=” adopted into the Russian language*». The words in the dictionary of the ancient Turkic period of the Uzbek language reflect the ancient culture, customs, way of life, occupations and living conditions of the Turkic peoples. It is reported that a number of lexical units of Turkic languages have been absorbed into Russian and other languages.

The information about base lexemes “qap=” adopted into the Russian language is recorded in scientific sources and dictionaries. E. Shipova gives the explanation and meanings of “qap=” and several words based on it, embodying the meanings of «ёпмоқ» and «беркитмоқ» which were adopted into the Russian language from the ancient Turkic language³⁵. More than 20 words based on “qap=” are adopted into the Russian language. For example, the lexeme *kaftan* was adopted into the Russian language in the XIII-XIV centuries. V. Radlov describes a *kaftan* as “a long outer garment similar to a robe, cloak”. Also, *kapchan* meant a type of thick outerwear and headdress³⁶. *Kaftan* has been assimilated into other foreign languages through the Russian language. In particular, this lexeme is also present in English. V. Vlasicheva analyzed 160 sentences from literary and journalistic texts in which the word *caftan/kaftan* is used in English, and noted that it meant men's and women's clothing that was widespread in the territory of the Ottoman Empire. In English, the lexical meaning represented by the lexeme *kaftan* includes the term «below the knee». In modern Uzbek and Russian languages, on the contrary, the theme of «standing above the knee» has come to the fore. The meaning of *kaftan* in English «expensive women's dress» was also formed in later periods of usage of the word. The formation in the *Kaftan* lexeme of the meanings of simply “clothes that stand below the knee”, “expensive women's clothing”, “clothes that stand above the knee” from the meaning of “men's and women's outerwear” is explained by the fact that representatives of different cultures change the appearance of clothes and evaluate it, are perceived in linguistic consciousness through their subsequent signs³⁷.

Mahmud Kashgari's dictionary mentions this word in the form of *kaftan*. Through the Persian language, it was transferred to the Arabic language in the form of *häftan*. *Kaptan* in Ukrainian and *kaptun//kaptan* in Belarusian indicate that Turkic units are widespread in other languages as well. The semantics of this word

³³ Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

³⁴ Тожиматов Х. Сифат семемаларининг реаллашувида контекст. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. . – Тошкент, 2007.

³⁵ Шипова Е.Н. Словарь тюркизмов в русском языке. –Алма-Ата: Наука, 1976. –С 444.

³⁶ Шипова Е.Н. Указ.сог. –С 174.

³⁷ Власичева В.В. Тюркизмы в современном английском языке. Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 2, Языкозн. 2010. № 2

«close», «cover» show that the lexeme was formed from the Turkish “qap=” base³⁸.

Kabluk- a special coating placed on the heel of shoes³⁹, *kapkan* - equipment for hunting animals and small creatures, *kolpak* - a cone-shaped or oval headgear, *кyбчур* - a type of tax, *канмыра* - a warm headgear, hood, boss, the basis of which is borrowed from the Northern Turkic languages the word meaning «qop»⁴⁰, *katorga-kapturga*, which means «big deep bag» in the Chagatai language, *kaptыр* in the Teleut, Altai, Tatar, Turkish, Crimean, Azerbaijani languages, which means «to tie»⁴¹, were recorded as Turkic units assimilated into the Russian language.

“qap=” base units are also found in Russian folk proverbs and expressions: *“Прости, калнак, а шапка и так”* (калнак, шапка).

Phonetic changes, expansion of meaning, emergence of new themes are observed in the words with the base words “qap=” adopted into the Russian language.

Chapter II presents Genesis, semantics and linguostatistical analysis of base action-state lexemes “qap=”. In the first paragraph of the chapter, the etymology of the word “qap= ” and the linguostatistical analysis of units based on “qap= ” are given.

The phonetic structure and structural features of the Turkish root were analyzed in the researches⁴². According to N.A. Baskakov, the root morpheme in Turkic languages has the phonetic composition **K+V+K**⁴³. The base *қан*=(*қон*-) in the Uzbek language dictionary is considered a Turkic root, just like the above-mentioned models. Lexemes made from the base **qap=** (**qop=**) are also lexical units formed as a result of adding affixes belonging to the Turkic layer from Turkic bases. There are sources where the base of the word is *qa*-⁴⁴; *qa*= is recorded as an independent word in “Devonu lug‘otit turk”. The dictionary mentions the base *qa*= with three different meanings: *qa* - I container, bag; *qa* -II to rise, rise; *qa*-III to hold fast, hold (DLT, III, 114).

In the historical development of Turkic languages, the base *қан* represents a semantic process in two directions: the root morpheme *qap*= in the direction of action and the root morpheme *kap* in the meaning of object-item. **qap**= action meaning comes from the feature of root morpheme **qa**= base. When talking about base lexemes *qap* , it should be noted that it was formed from the historical basis of *qa*= denoting action-state.

qap= root morpheme is considered a homonymous base from the point of view of the modern Uzbek language: **qap**=(action) – **qap** (things). *qap*= base units have been in use since the ancient Turkic language until the present time.

³⁸ Юналеева Р.А. Тюркизмы русского языка (проблемы полиаспектного исследования) Казань: Таглимат, 2000. – С. 172

³⁹ Баскаков Н.А. Русские фамилии тюркского происхождения. – Москва: Наука, 1979. – С. 109-110

⁴⁰ Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. Том 2. – Москва.: Прогресс. 1986. – С. 212

⁴¹ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. – Санкт-Петербург, 1899. Том 2. Часть 1. – С. 335

⁴² Миртожиев М. Туркий туб сўзлар тадқиқи. – Тошкент:Фан, 2017. – Б.402.

⁴³ Миртожиев М. Қўрсатилган манба. – Б.402.

⁴⁴ Нигматов Х.Г. О глагольных корнях типа *сгс* и *сг* по материалам словаря Махмуда Кашгарского//Советская тюркология//1974. – №3. – С. 39

Qaniğ meaning “door, gate” derived from *qap*= came as a toponym in ancient Turkic language: “Tämir qapığqa tägi sülädimiz” – “We pulled the army to the iron gate” (KT)⁴⁵.

In “Kutadgu bilig” there are 9 lexical base units *qap*=:

Qapüy door. In Yusuf Khos Hajib's “Kutadgu Bilig” this word appears in several places in the form of a *qapüy*. The paragraph explains the contextual meanings of the lexemes *qapüyçi* “gatekeeper”, “door keeper”, *qap*= “to catch”, *qapüş* “robbing”, *qap* “blood relatives”, “relatives”, derived from the word *qapüy* meaning “door”.

